

Уфо-3 шафтолининг янги навлари экилмоқда



«Зироат» МЧЖ Термиз туманида интенсив усуллардан фойдаланиб, сув тежовчи ускуналардан фойдаланган ҳолда томчилатиб суғориш технологияси ёрдамида эрта ва тезпишар мева навларини етиштириб келмоқда. Жамият томонидан ҳосилдор ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш учун чет давлатлардан сара кўчат навлари келтирилиб, иқлимга мослаштирилмоқда.

Термиз тумани «Термиз» маҳалласи ҳудудидаги 4 гектар майдонда ҳам Греция давлатидан келтирилган шафтолининг «УФО-3» навидан 5 минг дона кўчат экиш ишлари бошлаб юборилди.

Термиз тумани прокурори Акмал Халиков кўчат экиш жараёнларининг бориши билан танишди. 2-сектор раҳбари ҳам кўчат экиш ишларига ўз ҳиссасини қўшди.